



ISSUES OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF THE MECHANISM OF CRIMINAL LEGAL PROTECTION OF MINORS

Nilufar Ashurova

Associate Professor, Doctor of Philosophy in Law
University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Minors, law, crime, aggravating circumstances, code, cruel treatment, violence, indecent assault, sexual assault, intent.

Received: 14.04.25

Accepted: 16.04.25

Published: 18.04.25

Abstract: The article discusses the issues of increasing the effectiveness of the mechanism for the effective protection of the rights and interests of minors in criminal legislation and judicial and investigative practice.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нилуфар Ашурова

доцент, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Вояга етмаганлар, ҳуқуқ, жиноят, оғирлаштирувчи ҳолат, кодекс, шафқатсиз муомала, зўрлик, номушга тегиш, жинсий тажовуз, қасд.

Аннотация: Мақолада жиноят қонунчилиги ва суд-тергов амалиётида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмининг таъсирчанлигини ошириш масалалари ёритилган.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕХАНИЗМА УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Нилуфар Ашурова

Доцент, доктор философии по юридическим наукам
Университет общественной безопасности Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые	слова:	Аннотация:	В	статье
Несовершеннолетние, закон, преступление, отягчающие обстоятельства, жестокое обращение, насилие, развратные действия, сексуальное насилие, намерение.	кодекс,	рассматриваются вопросы повышения эффективности механизма защиты прав и интересов несовершеннолетних в уголовном законодательстве и судебно-следственной практике.		

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат инсонпарварлик вазифаси, балки жамиятнинг барқарорлиги ва келажагини таъминлаш учун асосий ижтимоий заруратдир. Жиноий ҳуқуқ бу соҳада асосий ҳимоявий механизм бўлиб, уни такомиллаштириш ҳозирги давр талабларидан келиб чиқади. Жиноят ҳуқуқи вояга етмаганларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган қатъий нормалар орқали қонунбузарликларга қарши курашишда муҳим ўрин тутди. Ижтимоий ҳаётда вояга етмаганлар ёши туфайли ҳаётдаги таҳдидлар олдида кўпроқ заиф бўлган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Шу сабабли, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг бу таркиби ижтимоий жиҳатдан ҳимояга мухтож қатлам сифатида доимо давлат ва жамият эътиборида бўлиб келади. Аммо ушбу ижтимоий бирликни жиноятчиликдан ҳимоя қилиш масаласи ҳозирги кунда янада долзарб аҳамият касб этиб, айниқса рақамли муҳитдаги таҳдидлар, маиший зўравонлик ва саводхонлик даражасининг турлилиги ушбу масалани чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан шафқатсизлик ва зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида халқаро талабларга мувофиқ қонунчиликни такомиллаштириш, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ҳуқуқий кафолатларни жорий этиш ва қонун ҳужжатларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура маълумотларига кўра, 2023 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 1851 тани ташкил этган. Бу 2022 йилга нисбатан 14% га камайган бўлсада, вояга етмаганлар жабрланувчи сифатида қатнашган жиноятлар сони 3465 тани ташкил этган. Бу рақамлар вояга етмаганларни ҳимоя қилиш соҳасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларни жиноий-ҳуқуқий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга бўлган нисбатан тажовузларнинг самарали

олдини олиш бўйча етарли қонунчилик базаси шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

19-моддасида Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ этироф этилиши ва кафолатланиши белгиланган.[1]

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳам бу борадаги нормаларнинг бир қанчасини ўз ичига олиб, вояга етмаганлар билан боғлиқ жазо тизими, жазо тайинлаш, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш ва шунга ўхшаш қоидаларни ўз ичига олади. Мисол учун, кодекснинг 90-моддасига биноан, ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.[2] Кодексининг 56-моддаси иккинчи қисми “б” банди доирасида қонунчиликдаги оғирлаштирувчи ҳолатларнинг тушунтирилишини кенгайтириш зарурияти долзарб масала сифатида қўрилади. Мазкур бандда жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида жиноятнинг вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилиши қайд этилган. Бироқ, бу ҳолат асосан фақат кичик ёшдаги болалар билан боғлиқ ҳолатларга урғу берилиши кузатилади. Қўплаб олимлар ва ҳуқуқшунослар вояга етмаганлар (18 ёшгача бўлган шахслар) ҳам жиноий ҳимояга муҳтожлигини таъкидлаб, 56-модданинг мазкур бандини янада аниқ ва кенг тушунтириш зарурлигини айтишмоқда.

Шу нуқтаи назардан, қонунчиликдаги оғирлаштирувчи ҳолатлар қамровини кенгайтириш, уни нафақат кичик ёшдаги болаларга, балки барча вояга етмаган шахсларга ҳам татбиқ этиш жиноят қонунчилигини самаралироқ қилади. Бу ўзгаришлар жиноятларни квалификация қилишда ягона ёндашувни таъминлаб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, бундай ўзгартириш халқаро стандартларга мувофиқ бўлиб, Ўзбекистондаги жиноят қонунчилигининг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги ролини янада кучайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикисининг Жиноят-процессуал кодекси эса, “Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш” деб номланган 13-бобда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Аммо, биз юқорида кўрсатиб ўтган нормалар, кўпроқ вояга етмаганларга нисбатан содир этилган эмас, балки уларнинг ўзи томонидан содир этилган жиноий қилмишларнинг квалификацияси хусусидадир. Лекин бу уларнинг ҳуқуқбузар сифатидаги мақомини бошқа қатламларга нисбатан жазо тайинлашдан кўра юқорига кўтаришни назарда тутди. Масалан, ушбу кодекснинг 554-моддасига мувофиқ, вояга етмаган гумон қилинувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра ёхуд

вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосига биноан педагог ва (ёки) психолог иштирок этиши мумкин. Педагогнинг ва (ёки) психологнинг иштирокини таъминлаш жиноят ишини юритаётган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг зиммасига юклатилади. Педагог ва (ёки) психолог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан гумон қилинувчига ёки айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқлар суриштирувчи, терговчи томонидан педагогга ва (ёки) психологга вояга етмаган шахсни сўроқ қилишдан олдин тушунтирилади ва бу ҳақда сўроқ баённомасида қайд қилинади.[3]

Хусусан, бу борада И.Н.Туктарова вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни жиноят қонунчилигини такомиллаштириш орқали амалга оширишнинг бир қатор асосий йўналишларини таклиф этган бўлиб, унинг фикрича, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини жиноят қонунчилигида устувор ҳимоя объекти сифатида тан олиш зарур.[4] Мазкур фикрларга А.В.Макаров ҳам қўшилади.[5] Ўйлашимизча, бу икки олимнинг фикрларини ёқлаш мумкин. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида кодекснинг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат эканлиги таъкидланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларга қаратилган руҳий ва жинсий зўравонлик ҳолатлари кўпайиб борди. Бу эса, ёш авлод келажаги учун жиддий хавф бўлиб, тегишли давлат идоралари томонидан алоҳида ишлаш тартибини жорий этишни талаб этади. Бу йўналишнинг амалий натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг махсус қарори билан вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахслар реестрини юритиш тартиби тасдиқланди.[6] Ушбу ҳужжатга асосан, қонунчиликка вояга етмаганларга нисбатан тазйик ва зўравонлик содир этган шахсларнинг болаларга таълим, тарбия бериш, уларни соғломлаштириш, болалар спорти, ижодий ташкилотларда ишлашини тақиқловчи норма киритилди. Бундан ташқари, вояга етмаган шахснинг номусига тегиш, вояга етмаган шахс тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналар ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек бошқа турдаги жиноятлар учун илгари ҳукм қилинган шахслар мазкур реестрга киритилади. Реестр махсус ахборот тизими орқали шакллантирилади ва юритилади. Энг муҳим ва

эътиборли томони шундаки, реестрга киритилган шахсларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар ушбу ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида назорат қилиб борилади.

Мазкур йўналишда яна бошқа бир қатор олимлар[7] ўз тадқиқотларида вояга етмаганларга нисбатан жиноятларни квалификация қилишда зўрлиқ ишлатмасдан содир этиладиган жинсий характердаги ҳаракатларни ифода этувчи тушунчаларнинг аниқ таърифи йўқлиги, ҳуқуқни қўллаш ва жиноятларни тўғри квалификация қилишни қийинлаштиришини билдирган. Е.А.Пашенко эса, жинсий дахлсизликка қарши жиноят қонунчилигидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб, жинсий жавобгарликни дифференциялашнинг етишмаслиги, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 18-бобидаги ўзгаришлар жинсий жиноятларни умумий ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар ўртасидаги жавобгарликни аниқ ажратиш масаласини ҳал қилолмаётганлигини таъкидлайди.

Бизнингча, ҳозирги кунга қадар дунё мамлакатларнинг бу борадаги жазо тизимини етарли даражада либераллаштириш масаласини ҳанузгача ҳал эта олмаган. Бунга асосий сабаблардан бири – бу йўналишда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг буткул тугалланмаслиги билан боғлиқ.

Дунё миқёсида бу муаммонинг қанчалик жиддий эканлигини статистик маълумотлар орқали айта оладиган бўлсак, 18 ёшгача бўлган ҳар 9 нафар қиздан бири ва 20 нафар ўғил боладан бири жинсий зўравонлик ёки зўравонликка дучор бўлиб, 18 ёшгача жабрланганларнинг 82% аёллардир.[8] Бундан ташқари, боланинг жинсий зўравонлиги оқибатлари узоқ давом этиши ва жабрланувчининг руҳий саломатлигига таъсир қилиши мумкин бўлгани ҳолда, жабрланувчилар жабрланувчи бўлмаганларга қараганда кўпроқ руҳий саломатлик билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни бошдан кечиришади.

Кўриб турганимиздек, аксарият ҳолларда вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг асосий қисми жинсий турдаги жиноятларни ташкил этади. Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўзига хос амалий тажрибага эга бўлиб, Олий суд Пленумининг “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандига кўра, номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қаршилигини енгиласан қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўллари сикатиш, оёқлари, қўллари ушлаб туриш, кийимларини йиритиш ва ҳоказолар тушунилади.[9]

Юқоридаги нормага ҳамоҳанг тарзда М.С.Семикина вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг айрим турларини криминализация қилиш заруриятини асослаб, бундай

жиноятлар учун жиноий жавобгарликни кучайтиришни таклиф этади.[10] Унинг фикрича, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш учун жиноят қонунчилигига қўшимча қоидаларни киритиш талаб этилади. Хусусан, жинсий дахлсизликка қарши тажовузлар, зўравонлик ёки эксплуатация билан боғлиқ жиноятларни қонунан қатъий тартибга солиш ва улар учун оғирроқ жазо чораларини назарда тутиш орқали ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин.

Биз, М.С.Семикинанинг мазкур фикрларига қўшилаемиз. Чунки, бу йўналишда тадқиқот олиб борган олимлар бу чоралар жамиятдаги умумий адолатни таъминлаш ва вояга етмаганларнинг ҳавфсизлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Ушбу ёндашув халқаро стандартларга ҳам мос келиб, кўплаб давлатларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали амалга оширилаётганини кўрсатади.

Хусусан, бу масала ўзбек миллий менталитети билан ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, айрим низоли вазиятларни юзага келтириши билан тавсифланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида никоҳ ёши 18 ёш этиб белгиланган бўлсада,[11] бундан олдинги ҳар қандай муносабат, ҳатто “розилик” бўлган тақдирда ҳам, ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳимояга муҳтож ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддасида вояга етмаган (16 ёшга тўлмаган) шахс билан жинсий алоқага киришиш жиноий жавобгарликка олиб келиши белгиланган бўлиб, бу ерда шахснинг “розилиги” аҳамиятга эга эмас, чунки қонун фақат ёшга асосланган ҳимояни назарда тутди.

Фикримизча, вояга етмаганларнинг онгли қарор қабул қилиш қобилияти психологик жиҳатдан тўлиқ шаклланмаганини, шу сабабли уларнинг “розилиги” ҳуқуқий мақомга эга эмаслигини таъкидлаймиз. Бундан ташқари, БМТнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси[12] ва унинг факультатив протоколларида ҳам, боланинг шахсий розилиги уларнинг ҳимоясини чекловчи омил эмаслиги белгилаб қўйилганлигини келтириб ўтиш зарур.

Вояга етмаганларнинг номусига тегиш жиноятларида кузатилиши мумкин бўлган алоҳида ҳолат жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлиги билан ҳарактерланади. Миллий суд амалиётимизга асосан, ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсон, руҳияти бузилганлиги, ўн тўрт ёшга тўлмаган (кичик ёшдаги болалар) ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилиқ кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга

бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт (ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган ҳолатлар бундан мустасно).[13]

Шунга кўра, вояга етмаганларни жиноий-ҳуқуқий ҳимоялаш механизмининг таъсирчанлигини ошириш учун қонунчиликка аниқ ва самарали нормаларни киритиш зарур. Бу нормалар Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг айрим йўналишлари бўлиб, қуйидаги аниқ моддалар билан асосланиши мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128 ва 129-моддаларида вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган жинсий ҳарактердаги ҳуқуқбузарликлар оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилган. Аммо бу норманинг ўзини ҳам мустаҳкамлаш зарур. Яъни, “Агар жиноят вояга етмаган шахснинг ёши ва руҳий ҳолати эътиборга олинмасдан ёки унинг заифлиги суиистеъмол қилинган ҳолда содир этилган бўлса, жазо оғирроқ тайинланади”, таҳриридаги қондани ушбу кодекснинг алоҳида моддаси сифатида киритиш лозим.

2. Тергов вақтида ҳуқуқий ёрдам бериш қафолатларини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасига “Вояга етмаган гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчи билан ҳар қандай процессуал ҳаракатлар психолог иштирокида амалга оширилиши шарт”, – деган нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида вояга етмаганларни жиноий-ҳуқуқий ҳимоялаш механизмини кучайтириш бўйича келтириб ўтилган нормалар жиноят қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири бўлган шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш функциясини янада кучайтиришга хизмат қилади. Жиноят жараёнида жабрланувчининг ёши, руҳий ҳолати ва бошқа хусусиятлари инобатга олиниши судга адолатли ва мутаносиб жазо тайинлашда муҳим мезон вазифасини бажаради. Бу эса, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноий қилмишлар учун жазонинг адолатлилиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 19-модда // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 01.04.1995-йил. Олтинчи бўлим. 90-модда // <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi. 01.04.1995-yil. 554-modda // <https://lex.uz/docs/-111460#-257096>
4. Туктарова, И. Н. Уголовно-правовая охрана несовершеннолетних: диссертация кандидата юридических наук: 12.00.08 / Туктарова Ирина Николаевна. — Саратов, 2000. — 183 с.

5. Макаров А.В. Уголовная ответственность за нарушение прав несовершеннолетних: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / Науч. рук. Ю.В.Трунцевский. — Москва, 2001. — 170 с.
6. Энди вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларнинг болалар билан ишлаши қатъиян ман этилади. 18.11.2023-yil. <https://yuz.uz>
7. **Степанова М.А., Царев Е.В.** Ответственность за преступления против половой неприкосновенности несовершеннолетних по российскому уголовному законодательству // Проблемы правоохранительной деятельности. – 2012. – № 2. – С. 20–27.
8. David Finkelhor, Anne Shattuck, Heather A. Turner, & Sherry L. Hamby, The Lifetime Prevalence of Child Sexual Abuse and Sexual Assault Assessed in Late Adolescence, 55 Journal of Adolescent Health 329, 329-333 (2014)
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/2414120>
10. Семикина М.С. Проблемы теории и практики государственной защиты прав и интересов несовершеннолетних // Актуальные проблемы государства и права. 2018. Т. 2, № 8. С. 149–156. DOI: 10.20310/2587-9340-2018-2-8-149-156.
11. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 15-модда. 1-қисм // <https://lex.uz/ru/docs/104720>
12. Бола ҳуқуқлари тўғрисида. 19-модда. 1-қисм. 29.07.1994-yil // <https://lex.uz/docs/2595913>
13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2023 йил 20 ноябрдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 30-сон Қарори. 6-банд // <https://lex.uz/docs/6683558>